

ИСЛОМОВ Зоҳид Маҳмудович,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси,
Араб тили ва адабиёти
ал-Азҳар кафедраси профессори

ДИНШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ РАДИКАЛЛАШУВ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШИШДАГИ АҲАМИЯТИ

THE SIGNIFICANCE OF RELIGIOUS STUDIES RESEARCH IN COUNTERING RADICALIZATION, EXTREMISM, AND TERRORISM

ЗНАЧЕНИЕ РЕЛИГИОВЕДЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В БОРЬБЕ С РАДИКАЛИЗАЦИЕЙ, ЭКСТРЕМИЗМОМ И ТЕРРОРИЗМОМ

Аннотация. Янги Ўзбекистон даврида диний-маърифий соҳага катта эътибор берилиб, бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларига, уларнинг натижаларида чоп этиладиган адабиётларга янги талаблар қўйилмоқда. Мазкур талаблар жамият ҳаётида диний-маърифий соҳанинг нақадар муҳимлиги нуқтаи назаридан ҳаётга кириб келмоқда. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган ёш авлоднинг диний-маърифий ҳаётдаги ўзгаришларга муносабатини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам шу муҳим омилнинг асосий бўғинларидан ҳисобланади.

Таянч иборалар. Диншунослик, динлараро бағрикенглик, тадқиқот, диний-маърифий соҳа, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори.

Abstract. In the era of the New Uzbekistan, significant attention is being paid to the religious and educational sphere, and new requirements are being set for scientific research in this field and for the literature published based on its results. These requirements are being implemented from the perspective of the crucial importance of the religious and educational sphere in the life of society. Studying the attitude of the younger generation, the main component of society, towards changes in religious and educational life and developing

recommendations are also considered key components of this important factor.

Keywords: Religious studies, interreligious tolerance, research, religious and educational sphere, the motto “Enlightenment against Ignorance”.

Аннотация: В период Нового Узбекистана уделяется большое внимание религиозно-просветительской сфере, и к научным исследованиям в этой области, а также к публикуемой по их результатам литературе, предъявляются новые требования. Данные требования внедряются в жизнь с точки зрения осознания исключительной важности религиозно-просветительской сферы в жизни общества. Изучение отношения молодого поколения, являющегося основным звеном общества, к изменениям в религиозно-просветительской жизни и разработка соответствующих рекомендаций также считаются одними из ключевых составляющих этого важного фактора.

Ключевые слова: Религиоведение, межрелигиозная толерантность, исследование, религиозно-просветительская сфера, девиз «Просвещение против невежества».

КИРИШ

XX аср охири-XXI аср бошларида жаҳон миқёсида экстремизм ва терроризм хавфининг кучайиш даври бўлди. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўлида мамлакатимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, “жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш” йўналиши бўйича ҳукумат даражасида эътибор қаратилди. 1999 йилда Тошкент ислом университетининг очилиши бу йўлда қўйилган салмоқли қадамлардан бири бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси даражасига кўтарилган ушбу илм-маърифат даргоҳида диншунослик мутахассислиги бўйича бакалаврият, магистратура билан бир қаторда докторантура ҳам ўз фаолиятини бошлади. Диншунослик ихтисослиги бўйича номзодлик ва докторлик диссертация ҳимояларининг ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан илмий кенгаш очилди.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолият юритаётган мазкур илмий кенгашда бугунги кунга қадар ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини

чуқур ўрганишга қаратилган 61 та, «Жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканини ўрганишга бағишланган 13 та, замонавий исломшунослик масалалари ва жамиятдаги долзарб муаммолар ечимлари, шунингдек, Шарқ мумтоз адабиёти ва тилшунослик масалаларига доир 44 та, динларни қиёсий ўрганиш ва диншуносликнинг замонавий муаммоларига бағишланган 19 та, замонавий ёндашувлар асосида Марказий Осиёдаги I ва II Реннесанс даври алломалари меросини ўрганишга оид 20 та, Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихидаги диний ва ижтимоий муҳитга қаратилган 10 та, жами 167 та илмий тадқиқот ишлари ҳимоялари амалга оширилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасидаги 80 та илмий муассасага тегишли фондлар ва кутубхоналарида 43 081 жилд қўлёзма, 70 323 нусха тошбосма китоб ва 423 870 та тарихий ҳужжат мавжуд. Мазкур ноёб манбаларни замонавий талаблар асосида сақлаш, реставрация қилиш ҳамда илмий жиҳатдан тадқиқ этиш вазифаси диншунос-исломшунос мутахассислар олдида катта вазифаларни қўяди.

Сўнгги йилларда соҳага оид амалга оширилган тадқиқотлардан бири “Ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва унинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган диншунослик атамалари қомусини яратиш” ҳисобланади. Бугунги глобаллашув шароитида диний бағрикенглик, конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда. Ўзбекистонда диний бағрикенглик борасида олиб борилаётган сиёсат демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, турли миллат ва маданиятларга ҳурматсизлик ҳоллари, ҳар қандай тажовузорлик ва экстремизм шаклларида ҳоли ҳақиқий демократик жамиятни қуриш омилига айланиши ҳамда жамиятда миллатлараро ва динлараро аҳилликнинг сақланишига имкон туғдирмоқда. Бу тажрибаларни атрофлича тадқиқ қилиш ҳамда Ўзбекистон ютуқларини

жаҳон ҳамжамияти олдида тарғиб этиш мамлакатимиз учун катта аҳамият касб этмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар тарихи, таълимоти, уларнинг жамият ривожигаги ўрни, улардаги умуминсоний қадриятлар, динлараро бағрикенглик маданиятининг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш мамлакатимизда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг маданий-маърифий ва ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга кенг йўл очади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг мақсади диншунослик соҳасига оид тушунча ва атамаларнинг умумлаштирилган, дунё диншунослиги тажрибаси ҳамда диний-маънавий мерос бўйича амалга оширилган тизимли тадқиқотларни қиёсий ўрганишга асосланган, кенг доирадаги мутахассис ва ўқувчилар учун мўлжалланган диншунослик атамалари қомусини яратиш ва мамлакатимизда диншунослик соҳаси ривожининг илмий заминини мустаҳкамлашдан иборат [3].

Тадқиқотда дунё диншунослиги тараққиёти тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий диншунослик ютуқларини умумлаштириш ҳамда ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва унинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда диннинг ўрнини илмий ҳолислик асосида кўрсатиб бериш, турли дин ва эътиқодларга бўлган бағрикенглик тамойилини мустаҳкамлаш мақсадида диншунослик соҳасига оид 1500 га яқин истилоҳ ва атамаларнинг илмий асосда шарҳланган нашри амалга оширилган.

Кўп конфессияли ва кўп миллатли юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро соғлом мулоқотни таъминлаш йўлида амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар, эришилган ижобий натижалар, уларнинг минтақавий ва глобал барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятининг илмий таҳлили илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот давомида диншуносликни алоҳида ва ўзига хос тизим сифатида ўрганиш билан боғлиқ методологик масалалар ҳал этилади, диншуносликнинг тушунча ва категориялар аппарати илмий-назарий ҳамда тизимли ишлаб чиқилади. Диншунослик атамалари қомусини нашр этиб, илмий

муомалага киритиш юртимиз фуқаролари, хусусан тадқиқотчи ва талабаларнинг диний соҳага оид билимларни эгаллашида ҳам самарали натижаларга эришишларига катта ёрдам беради.

Янги Ўзбекистон мамлакат маънавий тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бугунги кунда диний бағрикенглик, конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда.

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлат. Бундай давлатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва тараққиётни юксалтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун диний бағрикенглик мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, мамлакатимизда 16 диний конфессия ўзаро тотувликда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган қисқа давр ичида мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилди ва диний ислохотларга кенг замин яратилди.

Ҳозирги замонда диний бағрикенглик, диний муҳитни соғломлаштириш гоёлари нафақат турли дин вакиллари, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутаяди ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлардаги уйғунлик – халқларнинг маънавий бойлиги манбаи ҳисобланади, давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Қизгин ўзаро халқаро муносабатлар даврида инсониятнинг маданий, ақлий ва маънавий жиҳатдан бирлиги муаммоси амалий ечимни талаб қилади. Турли маданият ва дин вакиллари ўртасидаги мулоқотлар келишув ва ўзаро ишончга эришиш йўлларида бири саналади [5].

Аммо дин орқали ўзликни англаш жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳам ижобий натижа бермай акс таъсир кўрсатиши, унга ўзига хос ранг бериш хусусиятига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, дин соҳаси ривожланишидаги зиддиятларнинг олдини олиш, бартараф этиш унда кечаётган жараёнларни чуқур англаш, назорат қилиш ва бошқаришни тақозо этади. Бу

ўз навбатида уни доимий ва тизимли ўрганиш муаммоси мавжудлигини кўрсатади.

Диншунослик кишилардаги барча билим ва бунёдкор фаолият тизимини ўз ичига олган ва жамият тараққиётининг ҳар бир даврида ўзига хос мазмун касб этадиган, мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Дунёқарашлик, гносеологик, аксиологик, интегратив ва коммуникатив функцияларни бажарувчи дин жамиятнинг бутун ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам ўз моҳиятига кўра шахс камолоти ва ижтимоий тараққиётда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга илмий ёндашув учун зарур бўлган билимлар, улардан фойдалана олиш малакаси меҳнатни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда соғлом эътиқоднинг таъсири бекиёсдир.

Фуқаролик жамияти куриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар кўп жиҳатдан эътиқод эркинлигини таъминлаш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда этномаданий ўзликни англаш ва тарихий хотирада устувор бўлган майлларни аниқлаш, улардаги позитив жиҳатларни ривожлантириш ҳамда миллий, умуминсоний ва диний қадриятлар уйғунлигига асосланган истиқбол учун замин яратишга қаратилган аниқ амалий ишлар дастурини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу табиий равишда турли жамиятлар ва мамлакатлар, миллатлар ва маданиятлар, эътиқодлар ва қадриятлар, элатлар ва маросимлар ўртасидаги мулоқот характери ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш нуктаи назаридан ҳар томонлама ўрганишни талаб этади.

Диншунослик тадқиқотларида фаннинг ижтимоий-тарихий моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ назарий ва методологик масалалар, диншуносликнинг ривожига конкрет-тарихий ёндашувнинг мустақил Ўзбекистон маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб беришдаги аҳамияти, мустақиллик шароитида миллий-диний ўзига хосликларни сақлаб қолиш ва янада камол топтириш ҳамда миллий ўзликни англашнинг позитив йўсинда ривожланишини таъминлаш йўллари ва имкониятлари, глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашуви

шароитида диншунослик соҳаси ривожининг истиқболи ва бунда - цивилизациялараро мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилади, нотўғри, бир ёқлама талқин этилиб келинаётган диншунослик соҳаси доирасидаги айрим тушунчаларни шарҳлаш, мазмунини аниқлашга қаратилган янги методологик ёндашув ва усулларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Янги Ўзбекистонда диншунослик ихтисослиги бўйича кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилди. Бу тадқиқотлар диншуносликнинг турли соҳаларини қамраб олади ва ўзининг замонавий ёндашувлари билан ажралиб туради. Тадқиқотларда диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, диний соҳа ривожининг замонавий масалалари, дин омилининг ёшлар тарбиясидаги ўрни, глобаллашув ва дин омили масалалари кўтарилган. Ўзбекистонда “Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари”, “Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом”, “ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари”, “Сурхондарёдаги муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг аҳоли диний-маънавий ҳаётидаги ўрни”, “Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни” [3], “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари”, “Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг шахс маънавиятига таъсири”, “Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги”, “Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамияти”, “Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар” [1], “Культура толерантности как фактор предотвращения экстремизма”, “ИШИД” террорчи ташкилотининг аҳборот хуружи ва уни бартараф этиш йўллари” [4], “Ахборотлашган жамият ижтимоий идентиклиги шаклланишида дин омили”, “Ўрта Осиёдаги ижтимоий-маданий жараёнларда яҳудий жамоаларининг тутган ўрни”, “Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини” каби тадқиқотлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда узлуксиз таълим тизимини диншунослик бўйича такомиллаштириш

мақсадида “Жаҳон динлари тарихи” дарслиги, “Динлардаги оқимлар ва секталар”, “Ибтидоий динлар ва мифология”, “Методика преподавания религиоведения”, “Диний бағрикенглик маданияти”, “Ҳиндистон ва Хитой диний эътиқодлари ва маданияти”, “Диний анъана ва маросимлар”, “Христианлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар”, “Синтоийлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар”, “Замонавий диний ташкилотлар ва ҳаракатлар”, “Яҳудийлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар”, “Қиёсий диншунослик”, “Эътиқод психологияси”, “Янги диний ҳаракатлар ва деструктив секталар” номли ўқув ва услубий қўлланмалар [7] яратилди.

Маълумки, умуминсоний эътиқод ва қадриятлар ҳамиша конкрет миллий-этник қарашлар орқали мавжуд бўлади. Алоҳида олинган миллий эътиқод ва тушунчаларнинг ривожини охири-оқибатда кишилик жамияти эътиқодининг келажагини белгилаб беради. Бу бугунги кунда алоҳида динлар доирасида мавжуд бўлган тенденцияларни, уларнинг инсоният маданияти истиқболини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини диққат билан ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний тажовузкорлик ва муросасизлик, культуурофобия, этнофобиянинг турли кўринишларига хос хусусиятларни ўрганиш, келтириб чиқарувчи сабаб, омиллари тадқиқ қилиш уларнинг олдини олиш йўллари белгилаш, жамият ва алоҳида олинган фуқаролар онгида диний бағрикенглик қадриятлари устуворлигини таъминлаш кишилик жамияти ва алоҳида олинган қадриятларнинг ривожланишига ҳамда юксак тараққиётга асосланган истиқболни таъминлашга замин яратади.

Ҳозирги кунда миссионерлик билан шуғулланаётган турли оқим ва секта, диний экстремистик гуруҳ вакиллари диний атама ва истилоҳларни ўз манфаатлари йўлида нотўғри талқин этиб, кишилар онгида дин ҳақида ноҳолис дунёқарашни шакллантиришга уринмоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда, диншунослик атамалари қомусини яратиш нафақат соҳани чуқур тушуниб етиш, балки кишилар, айниқса ёшлар онгида соф диний-маърифий тушунчалар ва ғаразли талқинлар орасидаги фарқни атрофлича ёритиб беришга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида диншуносликни алоҳида ва ўзига хос тизим сифатида ўрганиш билан боғлиқ методологик масалалар ҳал этилади, диншуносликнинг тушунча ва категориялар аппарати илмий-назарий ҳамда тизимли ишлаб чиқилади.

Тадқиқот доирасида олинадиган натижалар дин ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари ҳамда жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг кечишидаги ўрни ҳақида кенг маълумот олишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу нуктаи назардан қараганда, диннинг ижтимоий-тарихий моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш кишилик жамияти тараққиётининг бугунги ҳолати ва даражасининг мазмунини тўғри ва чуқур англашга хизмат қилади.

Диншунослик атамалари қомусини нашр этиб, илмий муомалага киритиш юртимиз фуқаролари, хусусан тадқиқотчи ва талабаларнинг диний соҳага оид билимларни эгаллашида ҳам самарали натижаларга эришишларига катта ёрдам беради.

Янги Ўзбекистон шароитида диншунослик соҳаси янада кенгайиб турли динлар, уларнинг қонуниятлари, жамият ҳаётидаги ўрни, динларнинг қиёсий таҳлилига қаратилган долзарб изланишлар кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида диншуносликнинг янги йўналиши ҳисобланмиш қиёсий диншунослик соҳасининг шаклланишига хизмат қилмоқда. Академияда амалга оширилган “Христианлик ва исломда аскетик қарашлар тарихи ва эволюцияси қиёсий таҳлили”, “Христиан ва ислом манбаларида тиббий масалаларнинг эътиқодий-ижтимоий асослари”, “Ўрта Осиёдаги ижтимоий-маданий жараёнларда яҳудий жамоаларининг тутган ўрни”, “Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги”, “Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти” [6] каби мавзулардаги илмий тадқиқотлар мазкур йўналишда амалга оширилган самарали изланишлардан ҳисобланади.

ХУЛОСА

Соҳа бўйича илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишда илмий, амалий, инновацион лойиҳаларнинг ўрни катта. 2023-йилда “Динлар тарихи, таълимоти,

манбалари ва анъаналарини тадқиқ этиш асосида “Дунё динлари” электрон дастури ва мобил иловасини яратиш” номли инновацион лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида “асосий динлар гуруҳи”га кирувчи 11 та дин бўйича мустақил монографиялар тўплами тайёрланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ноисломий диний ташкилотлар фаолияти ўрганилди, ушбу диний ташкилотларнинг ВР модели яратилди ва www.dinshunoslik.uz веб-сайтига жойлаштирилди. Лойиҳа мавзуси бўйича мобил илова ва веб-сайт ҳозирда талабалар ва изланувчилар учун диншунослик билимларини визуал шаклда ўзлаштиришга хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган диншунослик тадқиқотлари хорижий адабиётлар маълумотлари, соҳага оид замонавий ёндашув, хулоса ва таҳлиллар билан бойитилганлиги билан ажралиб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаева М. Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар. Фал.док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020.
2. Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. Тар.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.
3. Исломов З. Исломунослик қомусий луғати. – Ж. 1-2. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013-2014.
4. Исламов Ш. “ИШИД” террорчи ташкилотининг ахборот хуружи ва уни бартараф этиш йўллари. Фал.док. дисс.(PhD) автореф. – Тошкент.2020.
5. Нажмиддинов Ж., Каримов Ж., Турдиева Д. Диншунослик қомусий луғати. Имом Бухорий халқаро маркази. – Самарқанд, 2017. – 480 б.
6. Уразова Р. Зардуштийликдаги маъбудаларнинг тарихий-ижтимоий таҳлили / Монография. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013. – 145 б.
7. Яҳудийлик: ибодатхона ва ибодат маросимлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 93 б (ҳаммуаллифликда);
8. Синтоийлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент. – 79 б.; Христианлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар. Қўлланма. Qaqnus-media нашриёти. – Тошкент, 2020. – 192 б.